

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ
УНИВЕРСИТЕТИ**

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

**Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили ва
адабиёти университети ректори
Ш.С.Сирожидинов**



(Handwritten signature in blue ink)

« _____ » _____ 2020 йил

**10.00.10 – “Матншунослик ва адабий манбашунослик”
ихтисослиги бўйича таянч докторантурага кириш**

ДАСТУРИ

ТОШКЕНТ-2020

Ушбу дастур Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Кенгашида кўриб чиқилган (2020 йил 20 сентябрдаги 3-сонли баённома).

Тузувчи: ф.ф.д., доц. Р.Зоҳидов

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сонли “Олий ўқув юртдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан тасдиқланган “Олий ўқув юртдан кейинги таълим тўғрисидаги Низом”и олий илмий педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш вазифасини кун тартибига қўйди. 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797 Фармонида акс этганидек, ўзбек тили ва адабиёти қадимий ва бой тарихга эга бўлиб, унинг шаклланишида минтақамиз ҳудудида яшаган бақтрийлар, сўғдийлар, хоразмийлар ва бошқа элат ва миллатлар ўз таъсирини кўрсатгани ҳақида қадим илмий манбалар далолат беради. Қадим туркий, мумтоз адабиётимизнинг Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Атойи, Саккокий, Лутфий каби намояндаларининг хизмати ва қолдирган мероси муҳим ўрин эгаллаганини қайд этиш жоиз. Ўзбек адабий тили, айниқса, XIV-XV асрларда – Амир Темур ва темурийлар даврида ривожланишнинг янги, юксак босқичига кўтарилди. Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий умумбашарият маданий хазинасидан муносиб ўрин олган ўлмас асарларини айнан она тилимизда битиб, унинг шухратини бутун оламга ёйди.

Бугунги кунда Республикамиз фондларида мавжуд қўлёзма ва тошбосма матнларни ўқиш ва тадқиқ; этиш малакасини эгаллаш бўлажак фан докторлари учун муҳим ва долзарб вазифадир. Қолаверса, кўп йиллик адабий тарихимиз ҳақида тўғри ва соғлом тасаввурда бўлишлари учун нафақат манбашунос ва матншунослар, балки бўлажак адабиётшунос ва тилшуносларимиз ҳам мумтоз адабиёт намуналари билан бирламчи манбалар орқали танишиш имкониятига эга бўлишлари зарур. Мумтоз адабиётимиз тарихини аслиятга таяниб илмий тадқиқ этиш ўзбек филологияси билан шуғулланувчи тадқиқотчиларнинг фундаментал вазифасидир. Шу масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда айтиш мумкинки, матншунослик ва адабий манбашунослик ихтисослиги буйича докторлик имтиҳонининг ушбу дастури юқоридаги талаблардан келиб чиққан ҳолда тузилди ва тақдим қилинган мавзулар, назорат саволлари тадқиқотчилар билим савиясини аниқлашга етарли қафолатдир.

Дастур талабгорнинг юқори малакали мутахассис бўлиши учун зарур бўлган муҳим манбаларни ўз ичига олади.

Асосий қисм

Қўлёзма матни ўрганишнинг назарий асослари

Матншунослик фанининг мақсади, предмети ва вазифалари. Адабий манбашунослик ва унинг асослари. Мазкур фаннинг илмий муаммолари. Миллий матншунослик ва адабий манбашуносликнинг намояндалари. Илмий ва адабий манбашуносликнинг Д.С.Лихачев, Б.В.Томашевский, П.Шамсиев, Ҳ.Сулаймон каби етук мутахассислари тадқиқотларида матншунослик

назарияси масалаларининг ёритилиши.

Адабий манбашунослик ва матншуносликнинг фанлар тизимидаги ўрни

Манбашунослик ва унинг мазмуни. Филологик фанлар контекстида матншунослик ва адабий манбашуносликка муносабат. Манбашунослик, матншунослик, адабиётшунослик ва тилшуносликнинг ўзаро мутаносиблиги, уларнинг фарқли ва специфик жихатлари.

Илмий-танқидий матн тушунчаси

Илмий-танқидий матн тушунчаси, мақсади ва унинг таркибий тузилиши. Матншуносликда “илмий аппарат” тушунчаси ва категориялари. Илмий танқидий матнни тузиш принциплари. Матн аслияти ва илмий танқидий матн муносабати.

Тафсир илми ва герменевтика

Матн шарҳи турлари. Шарҳ адабий меросида тафсир илми унинг хусусиялари. Фарб адабий таълимотидаи герменевтик талқин тушунчаси ва илмий қарашлар. Ҳошия, глоссарий, интерпретация ва уларнинг матн мукамаллигини таъминлашдаги ўрни. Тафсир ва герменевтик талқиннинг уйғунлиги.

Кўп нусхали қўлёзма устида ишлаш

Бир неча нусхали қўлёзмаларни қиёслаш методлари. Таянч нусхани аниқлаш. Матнни муқояса этишнинг илмий усуллари. Кўп нусхали қўлёзма асарларнинг тикланиши ва унинг принциплари.

Ягона нусхадаги матн тарихини ўрганиш

Матн тарихи мазмуни. Бир нусхали қўлёзмаларни манбашунослик ва матншунослик нуқтаи назаридан ўрганиш тажрибалари. Индивидуал ва умумий ёндашув услуби. Ягона нусхали қўлёзмаларнинг илмий-танқидий наشرларини тайёрлаш принциплари.

Матншуносликда “илмий тафсиф” тушунчаси

Илмий тафсиф тузилиши ва таркиби. Илмий тафсиф турлари. Қадимий манбалар учун тузилган каталогларнинг аҳамияти. Илмий тафсифнинг матншунослик ва адабий манбашунослик ривожигаги ўрни. Илмий тафсиф принциплари.

Табдил муаммолари

Табдил ва унинг мазмуни. Табдилда аслият ёзуви ва матннинг аҳамияти. Табдилда шартлилик принципи. Матнни бир ёзувдан бошқасига ўгиришда малака ва маҳорат масаласи. Мустақиллик даврида адабий асарларнинг табдил қилиниши хусусиятлари.

Таржима асарлар матнини ўрганиш

Таржима асарларнинг ўзига хос хусусиятлари. Таржима ва аслиятни қиёслаш усуллари. Таржима матнини ўрганишда замон ва макон категорияси. Таржима асарларда глоссарий ва интерпретация. Аслият ва таржима нусхаларидан таржима қилиш хусусиятлари.

Матний тафвутларни ўрганишнинг назарий асослари

Матнда муаллиф таҳрири (Навоий, Бобур, Огаҳий, Фурқат меросимисолида). Бир асарнинг турлича вариантлари. Котиблар билан боғлиқ таҳрир. Услуб билан боғлиқ таҳрир. Ғоявий таҳрир. (Фурқат, Завқий, Ҳамза шеърияти)

Араб ва эски ўзбек ёзуви

Манбашунослик ва матншунослик илмида ёзув малакасининг аҳамияти. Араб ёзуви тарихи. Эски ўзбек ёзувининг фарқли жиҳатлари. Эски ўзбек ёзувидаги манбалар. Араб ва эски ўзбек ёзувидаги адабий асарлар матнини табдил қилиш хусусиятлари.

Қадимги туркий адабий манбалар

Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий кабиларнинг асарлари адабий манба сифатида. Аҳмад Яссавий “Ҳикматлар”и. “Туркий тафсир” ва унинг адабий манбашуносликдаги аҳамияти. Қул Алининг “Юсуф ва Зулайҳо” достони матни қадимги туркий адабий манба сифатида.

Навоий адабий меросининг матншунослик нуқтаи назаридан ўрганилиши

Навоий асарлари матни ва адабий манбашунослик масаласи. Навоий адабий меросининг илмий-танқидий матнлари ва уларни тузишдаги принциплар. Порсо Шамсиев ва Иззат Султоннинг Навоий асарлари матнини ўрганиш йўлидаги илмий изланишлари. Мустақиллик даври навоийшунослигида матншунослик масалалари.

Қўлёзма асарларнинг тузилиши

Қўлёзма асарининг тузилиш хусусиятлари. Басмала, ҳамд, наът ва хулоса. Насрий ва назмий матнларнинг қўлёзмадаги ўзига хос хусусиятлари. Пойгир ва колофон. Қадимги қўлёзмаларда безак ва тузилишнинг ўзгарувчанлиги. Ҳошия ва унинг мазмуни.

XX аср ўзбек матншунослиги

XX аср ўзбек матншунослигининг ўзига хос хусусиятлари, намояндалари, тадқиқот усуллари. Ўзбек ва рус матншунослиги ҳамкорлиги. Алишер Навоий асарларининг матний тадқиқи. Ўзбек мумтоз адабиётлари матншунослигининг тараққиёти. XX аср ўзбек матншунослигининг илмий тажрибалари ва ҳозирги замон.

Тазкиранавислик тарихи

Тазкиранинг адабиётшуносликдаги ўрни. Тазкиранинг тузилиши ва хусусиятлари. XIX аср тазкиралари. Хоразмийнинг “Тазкират ул-авлиё” асари Фазлий ва унинг “Мажмуаи шоирон” тазкираси. Комил Хорзамийнинг тазкиранависликдаги ўрни.

Баёзлар адабий манба сифатида

Ўзбек матншунослиги ва адабий манбашунослигида баёзнинг ўзига хос хусусиятлари. Баёзда муаллифлар таснифи. Баёз тартиб бериш анъанасининг замонавий кўриниши. Баёзларнинг кейинги асрларда тазкираларнинг ўрнида ташкил этилганлиги ва уларнинг Қўқон, Бухоро ва Хоразм адабий муҳитлари ривождаги ўрни.

Девон – адабий манба

Ўзбек матншунослиги ва адабий манбашунослигида девон ва унинг тузилиши тамойиллари. Девон соҳиби бўлган шоирлар. Дебоча ва унинг шоир биографиясини ўрганишдаги ўрни. Девонларнинг араб алифбоси таркибида тузилиш хусусиятлари. Девонларда киритилган шеърларнинг жанр хусусиятлари.

Миллий уйғониш даври манбашунослиги

Ўзбек адабий манбашунослиги тараққиёт босқичлари. Миллий уйғониш даври манбашунослиги ва унинг ўзбига хос хусусиятлари. Фитратнинг манбашунослик фаолияти. Эски ўзбек ёзувининг ислоҳ қилиниши жараёни. Жадид миллий матбуоти - адабий манба сифатида. XX асрда архившуносликнинг таркиб топиши ва адабий меросни ўрганишда

архив материалларининг ўрни.

Нашр турлари

Адабий асарларнинг нашр турлари. Қўлёзма. Тошбосма. Факсимиле. Босма нашр. Илмий ва оммабоп нашрларнинг хос хусусиятлари. Илмий-танқидий матн нашри. Оммабоп ва баён қилинган нашр турлари. Ўзбек мумтоз манбаларини нашр этиш хусусиятлари.

Асосий адабиётлар:

1. Шамсиев П. Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар. -Т.: Фан, 1986.-164 б.
2. Ҳакимов М. Шарқ манбашунослиги луғати. - Т.: DavtprogressНМУ, 2013.-496 б.
3. Ҳабибуллаев А. Адабий манбашунослик ва матншунослик. - Т.: Тошкент Давлат Шарқшунослик институти, 2000. - 172б.
4. Сирожиддинов Ш., Умарова С. Ўзбек матншунослиги кирралари” Т.: Akademnashr, 2015.
5. Зуфаров Т. Хат таълими. -Т.: Meriyus, 2010. -275 б.
6. Мадраимов А., Фузаилова Г. Манбашунослик. - Т.: Фан, 2007. -295 б.
7. Эркинов. А.Матншуносликка кириш. -Т.: Нашриётсиз, 1997. - 50б.
8. Зоҳидов Р. “Саботул-ожизин” асари манбалари, шарҳлари ва илмий танқидий матнини комплекс ўрганиш муаммолари -Т.:Muharrir, 2015.

Қўшимча адабиётлар:

1. Рустамий А. Адиблар одобидан адаблар. -Т.: Маънавият, 2003. -110б.
2. Рустамий А. Ҳазрат-и Навойийнинг “маст-и аласт”и. -Т.: Extremumpress, 2012. - 46 б.
3. Рустамий А. Ҳазрат-и Навойийнинг эътиқоди. -Т.: Extremumpress, 2010.-79 б.
4. Рустамов А. Сўз хусусида сўз. -Т.: Ёш гвардия, 1987. -156 б.
5. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. Т.: Akademnashr, 2011.
6. Гадоий девонининг луғати ва матни (нашрга тайёрловчи: М.Рустамов). -Т.: Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи,2007.-203б.
7. Жабборов Ш. Герменевтика - тушунтириш илми. -Т.: Akademiya, 2010,-154 б.
8. Йўлдошев Иброҳим. Ўзбек китобатчилик терминологияси. –Т.:Фан, 2004. -212 б.
9. Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. - Т.: Фан, 1971.- 198 б.

10. Навоий дастхати. (Наводир ун-нихоя). Нашрга тайёрловчи, сўзбоши муаллифи С. Ғаниева. - Т.: Фан, 1991. - 300 б.

11. Правила подготовки к изданию памятников литературы Востока, М.: Восточной литературы, 1959. - 30 с.

12. Раҳмонов В. Мумтоз сўз сеҳри. -Тошкент: Ўзбекистон, 2015, - 440 б.

13. Раҳмонкулова М. ЎЗМУ кутубхонасидаги Шарққўлёмалари каталоги. - Т.: IPTD O'zbekiston, - 2007. 96 б.

14. Ҳакимов М. Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар. - Т.: Фан, 1991.-52 б.

15. Ҳакимов М. Навоий асарлари қўлёмаларининг тавсифи. - Т.: Фан, 1983.- 199 б.

Интернет сайтлар:

1. www.literature.uz

2. www.ziyo-net.uz

3. www.kutubxona.uz

Баҳолаш мезонлари

Кириш синови ёзма равишда ўтказилиши белгиланган бўлиб, 100 баллик мезон асосида баҳоланади.

Ҳар қайси саволга ёзган жавоби қуйидагича баҳоланади:

Ҳар бир савол учун балл	Жавобга қўйиладиган талаблар
86-100	Қўйилган саволга тўлиқ жавоб берган. Назарий жиҳатларини ёритишда хатолик ва чалкашликка йўл қўйилмаган. Мустақил равишда мушоҳада юритиб баён этилган. Амалий мисоллар билан асослаб баён этилган. Хулосани тўғри шакллантирган. Фикрлар эркин баён этилган.
71-85	Саволнинг моҳиятини тушунган. Жавобни ёритиб бера олган. Амалий мисоллар келтирилган. Тасаввурга эга. Қисқача хулоса берган. Фикрларни содда баён этган.
55-70	Савол моҳиятини тушунган. Жавоб ёритилган, қисқа шаклда. Мисоллар билан асосланмаган. Хулоса қилинган.
0-54	Саволнинг айрим элементларигина ёритилган, ёки умуман ёритилмаган. Савол бўйича аниқ тасаввурга эга эмас.